

Ishonch

2019 йил 24 июль • чоршанба • № 90 (4219)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни кичик бизнес ва тадбиркорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодийни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги икки йилда Президентнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Жумладан, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатида ўтказиш, турли руҳсатномалар олиш ва бошқа қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги икки йилда Президентнинг элликдан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга қўмақлашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолияти йўлга қўйилиб, унга 200 миллиард сўм ва 50 миллион доллар маблағ ажратилди.

Тижорат банклари томонидан тадбиркорларга ажратилаётган кредитлар ҳажми ошди. Бундай амалий чоралар ўз натижасини бермоқда. Кичик бизнес мамлакатимиз янги ички маҳсулотининг қарийб 60 фоизини, саноат маҳсулотлари ҳажмининг учдан бирини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 98 фоизини, инвестицияларнинг ярмини таъминламоқда.

Кўпгина вилоятларда экспортнинг 70-90 фоизи айнан кичик бизнесга тўғри келади. Жорий йилнинг 6 ойида тадбиркорлик субъектлари сони 60 мингга ортган.

Йиғилишда ушбу кўрсаткичлар ислохотларнинг дастлабки натижалари экани таъкидланиб, асосий

этибор ҳанузгача учраётган муаммоларни ҳал этишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари мулақо янгича ишлаб, 70 фоиз вақтини ҳудудда тадбиркорликни ривожлантиришга сарфлаши кераклигини таъкидлади.

Барча даражадаги ҳокимлар ва уларнинг биринчи ўринбосарлари фаолиятига янги тизим этилган ёки фаолияти қайта тикланган кичик корхоналар ва уларда яратилган иш ўринлари сонидан келиб чиққан ҳолда баҳо бериб, рағбатлантириш бўйича янги тизим жорий этиш вазифаси қўйилди.

Баҳо беришда корхоналарнинг яшовчанлик кўрсаткичи асосий мезонлардан бири бўлиши кераклиги белгиланди. Яъни, ташкил этилаётган корхоналарнинг камиди 50 фоизи кейинги 3 йил давомида ишласа, ҳоким ва унинг тадбиркорлик бўйича биринчи ўринбосари, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бўлимлари раҳбарларини қўшимча моддий рағбатлантириш назарда тутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ушбу янги тизимни жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Президентнинг Сирдарё вилоятига ўтган ҳафтадаги таширифи доирасида Ховос туманини «Тадбиркорлик ҳудуди»га айлантириш бўйича тақлиф этилган ташаббусни амалга ошириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги бошчилигидаги Республика ишчи гуруҳи ҳар бир туманнинг салоҳиятидан келиб чиқиб, кичик бизнесни ривожлантириш йўналишлари бўйича тақлифлар ишлаб чиқиши зарурлиги қайд этилди. Ушбу тақлифлар асосида тадбир-

корларга уларни амалга ошириш, кредит, ер ва бино ажратиш, инфра-тузилмага улаш каби барча масалаларда қўмақлашди.

Видеоселектор йиғилишида саноат соҳасидаги кичик бизнес субъектлари ва йирик корхоналар ўртасида кооперацияни кенг йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Масалан, автомобилсозлик ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоқлари ўрганилганда тадбиркорлик субъектлари ва йирик саноат корхоналари ўртасида кооперация деярли йўқлиги, оқибатда юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар импорт қилинаётгани маълум бўлган. Ачинарлики, айрим саноат корхоналари қишлоқ ишлаб чиқарувчилар у ёқда турсин, харидорлар талаби билан ишлашни ҳам билмайди.

Шу боис Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига ўн та йирик саноат тармоғи, жумладан, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, қурилиш материаллари, кимё, автосаноат корхоналари билан кичик бизнес ўртасида саноат кооперациясини йўлга қўйиш вазифаси оқлатилди.

Шунингдек, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда кооперация ярмаркалари ўтказиш, маҳсулот ва хизматлар ўз этасини топиши учун «Ягона электрон кооперация биржа портали»ни ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо – лойиҳаларни жойлаштириш учун ер ажратиш масаласига алоҳида этибор қаратилди.

Бу тизим ҳанузгача очик-ошкора ишламаётгани кўрсатиб ўтилди. Мисол учун, 3 минг 500 гектар майдон «Ер-электрон» ахборот тизимига тақдим этилган бўлса-да, шундан 1 минг 300 гектари ёки 37 фоизи савдога қўйилган, холос.

Шу боис, мутасаддиларга ер ажратиш масаласини идоралар билан ақллиштириш, бинони рўйхатдан ўтказиш жараёниларни тўбдан соддалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Банкларнинг тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишини яқшиллаш ва ажратилаётган кредитлар самарадорлигини ошириш масаласига ҳам этибор қаратилди.

Ҳозирда кредит олиш истагидаги тадбиркорнинг мурожаати 3 босқичда, яъни туман – вилоят – республика даражасида кўриб чиқилади. Банкнинг марказий идораси розилик бермаса, тадбиркор кредит ололмайди. Оқибатда бу жараён айрим ҳолларда ойлаб чўзилиб кетяпти.

Шу боис, банкларда кредит ажратиш масалаларини бир ва икки поғонага ўтказиш, 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар ўрнига 10-15 нафар штатдан иборат ички банк хизматлари марказларини кўпайтириш лозимлиги таъкидланди.

Тадбиркорларнинг кредит фойз ставкаларига оид фикрлари муҳокама қилинар экан, кредитлар бўйича кафолат бериш ва фойзаларни қилманг қўллаш мақсадида ташкил қилинган Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини кучайтириш муҳимлиги айтилди.

Тадбиркорларнинг бино-иншоотларини бузиш ва бунинг учун компенсация тўлаш борасида тизимли ёндашув йўқлиги танқид қилинди.

Албатта, жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари давомида айрим биноларнинг бузилиши табиий ҳол. Бироқ, аҳоли пунктларини истиқболда ривожлантириш режаларини ҳисобга олмасдан, катта ҳудудларда жойлашган иншоотлар бузиб юборилаётгани оқибатда жуда кўп миқдорда компенсация тўловлари келиб чиқмоқда. Ҳокимликлар бузиладиган биноларнинг ўрнида янги корхоналарни қуриш бўйича инвесторларни топиб, компенсация тўлови уларнинг ҳисобидан тўланишини таъминлаётгани сабабли ушбу жаражатлар давлат бюджети зиммасига тушмоқда.

Фақат катта корхоналар қуриб, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, бюджет тушумларини кўпайтириш масалаларини тўлиқ ҳал эта олмайдимиз. Турмуш даражасини юксалтиришнинг энг муҳим йўли тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришдир, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳокимлар сўзга чиқди.

ЎЗА



КУН НАФА СИ
Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 23 июль куни Миср Араб Республикаси Президенти Абдулфаттоҳ ас-Сини миллий байрам – Инқилоб куни муносабати билан табриклади.
Президент матбуот хизмати

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Мэри Элис Хейвордга агентлик бош директори Юкия Аманонинг вафот этгани муносабати билан таъзия йўлади.
Президент матбуот хизмати

Давлатимиз раҳбарининг «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.
uza.uz

«Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганишни янада такомиллаштириш ва 2020-2021 йилларда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.
uza.uz

«Инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни назорат ва мониторинг қилиш» автоматлаштирилган ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланишни ташкил этиш тўғрисида»ги Хукумат қарори қабул қилинди.
«Хуқуқий ахборот» канали

«2019 – 2021 йилларда Навоий вилоятининг Хатирчи туманини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Хукумат қарори қабул қилинди.
«Хуқуқий ахборот» канали

Улуғбек Сайидов «Ўзтрансгаз» компанияси бошқаруви раиси лавозимига тайинланди.
Энергетика вазирлиги матбуот хизмати

Иорданияда ўтказилган тазквондо бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатида юртимиз терма жамоаси 2 та олтин, 1 та кумуш ва 4 та бронза медалларини қўлга киритди. Улуғбек Рашидов эса йилгилар ўртасида мусобақанинг энг яхши спортчиси деб топилди.
МОҚ матбуот хизмати

Хукумат қарори билан электр энергияси, шу жумладан қероғини қайта тикланган газ, манбаларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган тадбиркорлик субъектларини ягона электрэнергетика тизимига улаш режими тасдиқланди.
«Хуқуқий ахборот» канали

383 та коллеж биноси мактабларга берилиши натижасида таълим муассасалари қўшимча 224 мингга ўринга эга бўлади.
Халқ таълими вазирлиги матбуот хизмати

Эсингизда бўлса, коммунистик партия манифести мана бундай риторик ва айни пайтда шубҳали бир жумла билан бошланарди: «Европада бир шарпа кезиб юрибди...». Лекин бу шарпа ҳудди арвоҳ янглиғ ўзини кўрсатмади, жамиятларга «жаннат» ваъда қилган таълимот одамларга бахт ўрнига қулфат олиб келди. Албатта, бу – тарих. Лекин бугунги эврилишларни ҳис этишда ортга бир ўгрилиб қараш ҳулосаларимизни янада тиниқлаштиради. Ҳуррият тонгидан кейинги ҳаётимиз ҳам осон бўлган эмас. Мустақил давлатни шакллантириш, жамиятни мустамлака асоратларидан тозалаш, умри қора меҳнатда ўтиб косаи оқармаган халққа муносиб турмуш шароити яратиб бериш – бу жуда катта масъулият эди...



Янги ланаётган Ўзбекистон: тарихни кучлилар яратади

Биз бугун қадам олган, «Мирзиёев даври» ҳақида мулоҳаза юритаётганимизда бир энгилликни ҳис этиб тураимиз. Яъни, бугунги кунга нормал баҳо бериш учун ўтган замонни «олабўжи» қилиб кўрсатиш, чучмал муқоаса ясаш шарт эмас. Зотан, янги ланаётган Ўзбекистон динамикаси ўтмиш хатоларини тиклаб обрў топишни эмас, одамларнинг бугунги кунини фаровон қилишни назарда ту-

тиши билан ҳам аҳамиятлидир. Кейинги уч йил, айтиш мумкин бўлса, дунё харитасида Ўзбекистоннинг тугган ўрни ва мақомини хийла ўзгартирди. Бу биз кўзимиз билан кўриб турган, турмушимизда акс этаётган янги ланишларнинг инъикоси, албатта. Бир неча сиёсий тузумни кўрган, сиёсатшуносликнинг нонини еган, халқнинг турмуш-тарзи, элнинг кайфиятидан бохабар, қо-

лаверса, шу азиз ватанин севувчи бир фуқаро сифатида бу ўзгаришлар – улкан ислохотлар мени ниҳоятда мамнун ва мутасассир этади. Аслини олганда, бани-башар ўз тақдирини бир қанча назарияларни ўзида жамлаган инсонпарвар ва аксилсиний сиёсатларни кўп марта синаб кўргани инкор қилиб бўлмас қап. Лекин оддий ҳақиқат шуки, давлат юриятидан сиёсат адолатли, элпарвар ва эзгу бўлсагина

одамлар ундан рози бўлади, дунё ҳамжамияти уни тан олади. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган халқчил сиёсат бугунги жадал ўзгариб бораётган, постмодерн дунёда Ўзбекистоннинг жаҳон билан интеграциялашу-вини янги босқичга олиб чиқди, деб бемалол айтишимиз мумкин.

2-3

Ўзбекистон матбуоти саҳифаларида БУГУН ЎҚИНГ...

Marifat
O'QUV MARKAZLARI MAQSADI: KO'PROQ AVITURIENT KELSIN...

MILLIY TIKLANISH
ПАРТИЯ САЙВОЛДИ ПЛАТФОРМАСИ: БУГУНИ ДАВР ШИДДАТИ ВА ТАЛАБГА МОС(МИ?)

ПРАВДА ВОСТОКА
ПОРА БОЛЬШИХ НАДЕЖД И БЛАГОРОДНЫХ УСТРЕМЛЕНИЙ

Обози Тоҷик
ПОЯИ МИЛЛАТ

Нурлы жол
«ЖУЛДЗЫМ ЖОҒАРЫ» «ЖИНАҒЫ ЖАЙДЫ ПӨКІРЛЕР»



**ХАЛҚПАРВАРЛИК
ФЕНОМЕНИ**

Одамзоднинг феъли шундайки, у кучлиларнигина тан олади, унга эргашади. Кучли ва мард одам эса яқинларининг, ёнидагиларнинг дардига дардманд бўлади, элининг корига ярайди. Президентимизнинг дунё саҳнида энг кучли етакчилар сафида тан олинишида ҳам аслида, унинг халқ манфаати йўлидаги эзгу ташаббуслари, шу билан биргаликда, бугун жаҳонда юз бераётган глобал муаммоларга оқилона ёндашуви турибди.

Шавкат Мирзиёевни узок йиллардан буён биладиган одам сифатида айтаманки, ундаги халқпарварлик, одамларга бўлган чексиз меҳр-у муҳаббат кеча ё бугун пайдо бўлган эмас. Бу унинг сийратидоги туғма бир хислат, десам адашмайман. У киши билан танишувимиз ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирига тўғри келади. Ўшандаёқ, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ёш раҳбаридоги ғайрат ва шижоат, са-

чқур биларди, ҳис этарди. Давлат раҳбари шу сабаб ишни халқ билан мулоқот қилмоқ, халқдан ҳол сўрмоқдан бошлади.

Бугун Юртбошимизнинг эл дардига малҳам бўлишдек кенг кўламли эзгу ишлари самарасини кўрар эканмиз, ҳазрат Навоийнинг машҳур сатрлари ёдга келавериб:

*Одами эрсанг демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.*

Ўзингиз холисанилло айтинг, бундан атиги уч йил илгариям оддий бир раҳбарнинг олдига кириш, муаммони айтиш имкони бормиди?! Ўтган қисқа муддатда эса барча раҳбарлар халқ олдига боришни, одамлар билан

**АДОЛАТ ШУНДАЙ
ҚАРОР ТОПАДИ...**

Тарихдан маълумки, буюк салтанатлар пойдевори адолат устига қурилсагина қудрат ва шўҳрат топган. Буни Соҳибқирон бобомизнинг ўз давлати негизини «куч адолатдур» деган ғоя устига барпо этганлиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Лекин глобаллашган бугунги дунё нафақат сўзга, балки тушунча ва ахлоқ нормаларига ҳам ўзгача «масъулият» юкларидоки, буни биз адолат тамойилининг жамиятлардоги тутган турлича ўрнида ҳам кўришимиз мумкин.

Очигини айтганда, «адолат» сўзи бир ахлоқий термин ўлароқ, тилимиз учун янги-


чорли хавф-хатарлар билан чирмашиб кетганини жуда яхши ҳис этган ҳолда бугунгача халқ истаган адолатни ёқлаб келмоқда.

Бугун Шавкат Мирзиёев феноменини белгилаб берувчи бош асослардан бири бўлган «Халқ қабулхоналари»га шу вақтгача келиб тушган 2 миллиондан ортиқ ариза ва шикоятларни бир саралаб, ўрганиб кўрсангиз, бунинг моҳияти нақадар чуқур эканлигига гувоҳ бўласиз.

Тобора ҳаётимизга сингиб бораётган, турмушимизга файз киритаётган бугунги инсонпарвар сиёсат менга доимо Конфуцийнинг бир ҳикмати эслатади: «Инсонни севиш сув ва оловдан ҳам муҳимроқдир. Чунки мен сув ва олов одамларни ҳалок этганига

**Дунё сиёсатчилари
Ўзбекистонда амалга
оширилайётган жадал
ислохотларни кузатар экан, бу
янгиликлар ташаббускори
Шавкат Мирзиёевни «Хитой
мўъжизаси» муаллифи
Дэн Сяопинга қиёслашмоқда.**

Янгиланаётган Ўзбекистон:



мимийлик ва одамийлик фазилатлари кўпчилик қатори мени ҳам ром этган эди.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманига раҳбар, Олий Мажлисга депутат бўлган даврида бу ёш ва серғайрат, кўздан ўт чақнаб турадиган йигитнинг ташаббуслари, халқ ва Ватан манфаати йўлидаги орау-ўйлари кўпчиликлари унинг порлоқ эртаси ҳақидаги тасаввурни шакллантириб бўлган эди.

Шавкат Мирмононович Жиззах вилоятига раҳбар бўлган кезларда кунни тунга улаб ишлар экан, одамларнинг ҳолидан хабар олишга ҳам улгурар ва буни ўзининг бурчи, деб биларди. **Форишнинг энг одис яйловларидаги ўтовда яшаётган чўпон-чўликлар ҳаёти ҳам унинг фикр-у ҳаёлини тарк этмас, чунки у менинг ишимга баҳони пойтахтдаги салкин хоналарда қаҳфа хўплаб ўтирган амалдорлар эмас, мана шу оддий, меҳнаткаш халқ беради, деб қатъий ишонарди.** Ҳаётга бўлган бундай қараш, ўзига бўлган талабчанлик йиллар давомида янада кучайиб борди. Президент сифатида иш бошлагач, бу хислатлар янада бўртиброк кўрина бошлади. Худудлардаги учрашувлар, одамларнинг кайфияти, яшаш тарзи билан қизиқиш, уларнинг дард-у орзуларини тинглаш, халқнинг ичига кириш, уни рози қилиш деган талабларнинг ўртага қўйилиши, аслида, Президент табиатидаги ўша феномен билан бевосита боғлиқ. Тўғри, бошида бу ҳаракатларнинг самимийлигига шубҳа қилганлар, буларнинг бари «вақтинчалик пиар» дея ўйлаганлар ҳам бўлди. Лекин ёрқин самимият ва қатъий ирода бу ўй-хаёлларни тарқатиб юборди. Қолаверса, ўзининг ҳақлигини исботлашга вақт ҳам йўқ эди. Негаки, одамларнинг ичи дардга, турмуши муаммага тўлиб кетганди. Шавкат Мирзиёев бунини

мулоқот қилишни ўрганди. Кабинетда ўтириб, масалани ҳал этишларга барҳам берилмоқда. Одамларнинг фикри сўралмоқда. Уларнинг муаммоларига ечим изланмоқда.

Буларнинг барчаси янгиланаётган Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёт йўли сифатида жаҳон афкор оммасида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани бор гап.

Дунё сиёсатчилари Ўзбекистонда амалга оширилайётган жадал ислохотларни кузатар экан, бу янгиликлар ташаббускори Шавкат Мирзиёевни «Хитой мўъжизаси» муаллифи Дэн Сяопинга қиёслашмоқда.

Этимиол бу ўйлашнинг тахлилчилар очкилик ва кескин ислохотлар асосида донишмандлик билан иш тутган Дэн Сяопиннинг «Одамлар ўтган йилга нисбатан бу йил яхшироқ яшасин» деган ягона шиори билан Шавкат Мирзиёевнинг «Одамлар эртага эмас, узок келажакда эмас, бугун яхши яшаш керак» деган амалий ташаббуслари ўртасида кўрган бўлишлари ҳам мумкин.

Нима бўлганда ҳам, уларнинг рўбини бугун халқимиз ўз ҳаётида кўра бошлади. Бу ижтимоий ҳаётдаги энг оддий элементларда кўзга ташланмоқда. Мана, масалан, электр энергияси, газ таъминотидаги муаммолар ечим топди – қишлоқларда чироқ ўчмай қўйди. Йўлларга эътибор қаратилди. Уйсизлик муаммосини ҳал этиш кун тартибидан доимий жой эгаллади. Нақд пул топиш ташвиши бартараф этилди. Банклар олдигаги турнақатор навбатлар йўқ бўлди. Тадбиркорликка кенг йўл очилди... Ва бу жўнгина кўринган масалаларнинг силлиқ ҳал этилгани одамларда эртанги кунга умид уйғотди, бахтли ва фаровон турмуш кечиришлари мумкинлигига бўлган ишончини собит қилди.

лик эмас. У деярли ҳар кун қулоқларимиз остида жаранг сочиб турадиган бир сўзди. Биз ҳаттоки, совет тузуми даврида ҳам адолат ҳақида гапириб тинмас эдик. Бу ўша пайтга хос социалистик адолат эди. Ўтган чорак асрлик мустақиллик даврида ҳам «адолатли жамият» қураётганимизни бот-бот такрорладик, катта минбарларда оғиз кўпиртирдик. Бу ҳам ўша нутқни ирод этаётган одамларнинг ўзига хос «адолат»и эди. Аммо бу сўзга бир тушунча ва назария сифатида қаралар экан, турфаликни кўриш мумкин. Демакки, назария назариядан фарқ қилади. Янаям соддароқ қилиб айтганда, адолатни бир сиёсат сифатида амалда қўллаш ва унинг одамлар турмушида акс этишини таъминлаш Мирзиёев ислохотининг устувор тамойилига айланди. Образли қилиб айтганда, Президент бу тушунчани ҳукумат саройидан ташқарига, халқ орасига олиб чиқишни ва унинг ижтимоий ҳаётда гуркираб яшнаши ҳамда барпо этилаётган жамиятнинг асосий устуни бўлишини таъминлашни ўзининг қатъий мақсади қилиб белгилади. Бунга сабаб бор эди. Ўйинки, барчамизнинг ичимизда «аслида адолат ўрнатиш зиммасига юкланган шахсларнинг ўзи адолатсиз бўлса-чи? Адолатни, аслида, уларнинг ўзлари бузишса-чи?», деган ҳақли иддао яшаб келаётганди.

Суд-ҳуқуқ тизимидаги минглаб одамларнинг оқ-воҳлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги миллат равақига раҳна солувчи тартиб-тамойиллар, қўзғўямачиликлар, қонун ҳимоячилари томонидан одамларнинг топталган ҳуқуқлари, фақатгина сиёсий элитанинг манфаатларига хизмат қилувчи тизимлар, иш юритиш тартиблари... Бундай адолатсиз адолатнинг санаб адоғига етиб бўлмасди. Президент бу қурашнинг не-

кўп гувоҳ бўлганман. Бироқ инсонни ардоқлаганларнинг ҳалокатга учраганини сира кўрмаганман.

Яқинда Суриядаги қонли жангоҳлардан 157 нафар ватандошимиз юртимизга қайтариб олиб келинди. «Меҳр» деб номланган ушбу амалиётнинг амалга ошмоғидаги қийинчиликлар бошқа масала. Ҳозир мен унинг тафсилотлари хусусида эмас, балки Президентни бу серғалва ишга ундаган инсоний бир сифат – миллатдош ва ватандошга бўлган қайноқ меҳр тўғрисида гапирмоқчиман. Давлат раҳбарининг халққа бўлган меҳри унинг нафақат ватанпарварлигини, балки иймони бутунлигини ҳам кўрсатиб туради. Аслини олганда, ўша адашган ватандошларимизни бошқаларга ўхшаб, булар ватан хоинлари, бу тупроқда уларга ўрин йўқ, дея инкор қилиб, масалани осон ҳал этиш ҳам мумкин эди. Лекин бунинг акси бўлди. **Янги ҳукумат адашган фарзандларни бир мушфик она янглиғ бағрига олди, унинг бошини силаб меҳр кўрсатди. Бу юксак инсоний меҳр метин сиёсий ирода ва денгиздай мавжланиб ётган улкан қалбнинг қатъий ҳулосаси эди.**

Бундан ташқари, кейинги уч йилда мамлакатимизда қанчадан-қанча адашганларга имконият берилди. Эътиборлиси, бу борада инсонпарварлик тамойили асосида мутлақо янги амалиёт жорий этилмоқда. Натижада, жиноят йўлига адашиб кириб, қилмишига чин дилдан пушаймон бўлган минглаб инсонлар жазодан озод қилинди. Қолаверса, минглаб шахсга нисбатан терговда асоссиз қўйилган моддалар айбловдан чиқариб ташланди, минглаб шахслар эса суд залидан озодликка чиқарилди... Айтинг-чи, бундай адолат тантанасидан инсон қалби ларзага келмайдими? Айниқса, ноҳақ айбланиб ҳибсда ўтирган кишиларнинг оқлини ортидан қарор оиласидаги шод-у хуррамлик, давлат ва жамиятга бўлган ишончнинг ортанини нима билан ўлчаб бўлади? Жамиятда адолатни қарор топтириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар кенг маънода дастлабки меваларини бера бошлади. Мамлакат фуқаролигига қабул қилиш, чегара муносабатларини тартибга солиб, давлат идораларини тўлиқ халқ учун хизмат қилдириш каби бизга мутлақо янги бўлган амалиётлар халқнинг турмушида ижобий акс-садо бера бошлаганига анча бўлди.

Меҳнат муносабатлари бўйича қарашлар

ҳам буткул ўзгармоқда. Ўтган йилларда Халқаро Меҳнат Ташкилоти ҳамда хорижий экспертлар иштирокида пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат бўйича олиб борилган тизимли мониторинглар натижаларига кўра, мамлакатимизда болалар меҳнати мавжуд эмаслиги ҳамда мажбурий меҳнатга қарши мамлакатимизда жиддий чоралар кўриляётганини дунё ҳамжамияти тан олди.

Ўзбекистонда етиштириладиган пахта АҚШ Меҳнат вазирлиги эълон қилган «Болалар меҳнати ёхуд мажбурий меҳнатдан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқарилган товарлар рўйхати»идан ўчирилгани қайд этилди. Бу мустақиллигига қарийб 30 йил бўлаётган мамлакатнинг халқаро миқёсдаги улкан ғалабаси, аслида, буни тушунган тушунади.

Жорий йилнинг 13 мартда 2018 йили дунёдаги инсон ҳуқуқлари вазияти бўйича йиллик маърузада АҚШ Давлат департаменти Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари аҳволи кўп жиҳатдан сезиларли яхшиланишини эътироф этди. Мазкур ҳужжатда мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича муваффақиятли қабул қилинган ҳуқуқий ва алоҳида қайд қилинди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги янгиликлар ҳам бошқа ислохотлар каби кўпжаб хорижий ташкилотлар ва давлатлар эътирофига сазовор бўлиб келмоқда.

МАРВАРИД ЖИЛОЛАРИ

Юртимиздаги бугунги улкан ва жўшқин эврилишларни кузатиб, Сингапурни «учинчи дунё»дан тепага олиб чиққан буюк бунёдкор Ли Куан Юнинг ислохотлари ёдга келади.

У ўзининг юксак ақл ва фидокорона меҳнати билан ўтган асрнинг 50-йилларигача ҳеч ким назарга илмайдиган, тайинли табиий бойликка эга бўлмаган, ичимлик суви ва қурилиш учун тупроқнигина экспорт қилган Сингапурни Ер юзидоги энг тинч ва бизнес учун қулай мамлакатга айлантира олган эди.

Ўзбекистон ўз истиқболини инновацион стратегияда кўраётганини бугун кўлаб халқаро кузатувчилар эътироф этишмоқда. Инновациони эса амалиётга билимли ва ташаббускор ишбилармонлар олиб киради. Айнан шу боис ҳам давлатимиз раҳбари мамлакат тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминловчи энг муҳим бўгин – тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратди.





Тадбиркорлар олдидаги ғовлар олиб ташланмоқда. Солиқ, божхона, ер майдонлари ажратилиш борасидаги муаммолар барта- раф этилмоқда. Оддийгина мисол: олдин ҳам тадбиркорни қўллаб-қувватлаймиз, уларга қу- лайликлар яратяпмиз, дердик. Аммо фаоли- ятдаги биргина солиқ юки уларни ўнғарилмас аҳволга солган, «хуфёна» иқтисодийта сабаб бўлаётган, тизимда коррупциянинг илдиз оти- шига олиб келаётган эди. Утган йили Солиқ концепциясининг қабул қилиниши тадбир- корлик ва умуман, ижтимоий ҳаётда кескин бурилиш ясади десак, янглишмаган бўламиз.

Бу борада бизга илгари номаълум бўл- ган яна бир муҳим сектор борки, у қачин йил- ларда иқтисодийтимиз ривожига катта ҳисса қўшади. Бу – туризм соҳасидир. Заминимизни дунё марвариди десак, адашмаймиз. Бироқ дунё ҳавас билан боқадиған тарихий шаҳар- ларимизни оламга кўз-кўз қилиш ўрнига уни сунъий равишда кўринмас девор билан их- талаб келдик.

Бу ислохотлар биз кутган натижаларни бе- раётганидан далолат.

ОЧИҚЛИК ВА САМИМИЯТ — ИНТЕГРАЦИЯ АСОСИ

Бугун мамлакатимиз ташқи, шу жумла- дан, минтақавий сиёсатида ижобий ўзгариш- лар кузатиляпти. Бу Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан муносабатларда тинчлик, яқин қўшничилик, ҳамкорлик ва минтақавий барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим та- шаббусларни илгари сураётгани билан бево- сита боғлиқ.

Утган уч йилда Марказий Осиё давлатлари билан самимий муносабатларнинг кучайиши сабаб минтақада мутлақо янги сиёсий муҳит юзага келди. Қўшнилари ўртасида ўзаро ишонч алоқалари мустаҳкамляпти. Халқ тили би- лан айтганда, «музлар эримокда».

Ўзбекистоннинг яқин қўшилари билан му- носабатларни янада ривожлантиришга қара- тилган фаол ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамияти

КАМ ЭМАС» дея эътироф этган ўз пай- тиди...

Ташқи сиёсатдаги прагматизм ва очиқ- лик МДХ доирасида ҳам кўзга ташлана бошлади. Давлатимиз раҳбари ушбу таш- килотни янада ривожлантириш ва му- стаҳкамлаш зарурлигини, чунки бу ту- зилма устувор соҳаларда ҳамкорлик қи- лишнинг фоят муҳим институти эканини таъкидлаб келади. Мазкур тузилма Иқти- содий Кенгашидаги Ўзбекистон иштиро- кининг қайта тиклагани эса ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун имкони- ятлар эшигини очди.

Маълумки, ташкилот фаолиятининг дастлабки 25 йили мобайнида Ўзбекис- тонда бирор марта ҳам МДХ Саммити ўт- казилмаган. Шавкат Мирзиёев 2020 йилда Ҳамдўстликка Раисликини қабул қилиш ва навбатдаги Саммитни Ўзбекистонда ўт- казишни таклиф қилгани ҳамкорликнинг янги босқичга чиқиши баробарида МДХ

Буюк боболаримиз Нақибандий, Бухорий, Термизий, Мотурудий, Румийлар кўзга тўтиё этиб, унинг риво- жига ҳаётини бағишлаган мўтабар ислом дини буз- гунчилик ва қон тўкишга йўл берадими?.. Асло ундай эмас! Маърифий дунё бугун бун тан ол- моқда. Ва мазкур йўналишда янгиланаётган Ўзбекис- тон олиб бораётган сиёсат дунё ҳамжамияти эъти- борини ўзига қаратмоқда.

лик барқ уриб ташаббуслар рўбини кўриш одамга завқу шавқ бағишлайди, албатта.

ГЛОБАЛ МУАММОЛАР: МАЪРИФИЙ ИСЛОМ ВА ЁШЛАР МАСАЛАСИ

– Иккинчи миң йилликнинг сўнги йил- ларида иқтисодиётда муҳим воқеа рўй берди, – дейди британиялик илоҳиётшунос олим Ти- моти Уинтер. – **Коммунизм инқирозга юз тутди ва журналистлар тилида «Исло**

шаббуснинг амалий натижаси эди.

Эллиқдан зиёд давлат ҳаммуаллифи бўл- ган мазкур резолюцияни БМТга аъзо барча мамлакатлар бир овоздан қўллаб-қувватлади. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг тинч- лик, динлараро ўзаро ҳурмат, бағрикенглик ва интеграцияни илгари суришга қаратилган ташаббусларининг халқаро ҳамжамият томо- нидан тан олинishi эди.

Дунёда диний мутаассибликнинг олдини олиш, маърифий исломни кенг тарғиб қилиш бугунги беқарор замонда жуда муҳимдир. Шу маънода Шавкат Мирзиёев ғоялари асосида бунёд этилаётган Тошкентдаги Ўзбекистон ис- лом цивилизацияси маркази ва Самарқанд- даги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази мазкур хайрли йўлда самарали плат- форма бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Кун сайин кескин глобаллашаётган, мада- ниятлар қоришиб кетаётган бугунги замона- вий дунё халқлар ва давлатлар орасидаги че- гараларни бир қадар шаффофлаштирди. Яъ- ники, ҳар қандай муаммо бугун минтақа ёки бир мамлакат учун «мансуб»лигини йўқо- тиб, умумийлик касб эта бошлади. Шу маъ- нода ёшлар масаласи эндиликда дунё ҳамжа- миятини бирдек ўйлантирадиган муаммога айланди. Мазкур ўтқир масала ҳам Прези- дентимиз назаридан четда қолган эмас. Ху- сусан, у БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сес- сиясида «Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги кон- венцияни ишлаб чиқиш ташаббусини илгари сурган эди. Айни вақтда халқаро конвен- ция лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Бу ҳужжат ер юзидаги икки миллиард нафардан зиёд ёшларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эгаллиги билан жаҳон ҳам- жамиятининг диққат марказида турибди.

ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРАЁТГАНЛАР

Туркиянинг етакчи иқтисодий нашрлари- дан бири бўлган «Derin Ekonomi» журнали- нинг шарҳловчилари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни ўз мамлакатини ва минтақа- сидаги вазиятлар ўзгаришига сезиларли таъсир кўрсатишга қодир бўлган жаҳоннинг биринчи ўн нафар етакчиси рўйхатида киритди.

Таъкидлавишича, «Derin Ekonomi» журнали рейтинг Туркиядаги бошқа бир етакчи нашр – «Yeni Safak» газетасида ҳам босилди.

Мазкур рўйхатда муҳим аҳамиятга молик қа- рорлари билан ўз мамлакатлари ва минтақала- ридидаги мавжуд вазиятни ўзгартириб юборадиган ва бу билан халқаро майдондаги вазиятга фаол таъсир кўрсатадиган ҳамда жаҳон оммавий ах- борот воситаларининг «ньосмейкери», яъни уларнинг диққат-эътибори объекти бўлиб қола- ётган етакчилар номлари жой олган.

Дарҳақиқат, дунёни ҳамиша етакчилар, та- рихий шахсларнинг муҳим қарорлари, олам- шумул ташаббуслари ўзгартирган. Туркия- лик журналистларнинг бу юксак баҳоси за- мирида нафақат Ўз- бекистон халқининг, балки улкан салоҳият ва инсон ресурсларига эга бўлган Марказий Осиёда истиқомат қи- лаётган миллионлаб минтақадошларнинг орзу-истакларига хиз- мат қилаётган тарихий аҳамиятга молик сиё- сат назарда тутилга- нига шубҳа йўқ.

Биз бугунги Ўз- бекистон ҳаётининг руҳиятида ажиб бир кўтаринкилик, дунёга бўйлашув, дунёга на- муна бўларлик эври- лишларни кўрмоқда- миз. Бундан қалбла- римизда гурур ва ифтихор ҳисларини туймоқдамиз.

Ўзбекистон эр- танги кун учун юксак марраларни кўзлаб одим ташлаётир. Бунда унинг етакчисидидаги шахди, шиддати, жасорати асосий таянч бўлаётгани эса айни ҳақиқатдир.

Қудратилла РАФИКОВ, сиёсатшунос

ТАРИХНИ КУЧЛИЛАР ЯРАТАДИ

Оқибат нима бўлди? Пировард натижа шу бўлдики, биз узоқ йиллар туризмдан кел- адиган миллиардлаб валютадан қуруқ қол- дик. Қайсарларча тутган тутумимиз уволи охир-оқибат халқнинг елкасига тушди. Бугун- гидан ўн чандон барқарор бўлиши мумкин бўлган миллий иқтисодийтимиз йил сайин инқироз сари «одимлади». Албатта, мавжуд имкониятлардан ортиги билан фойдаланиш, иқтисодийта янги қарашни шакллантириш мамлакат иқтисодий қудратини оширади. Бу борада хорж инвестициясининг ўрни бўлакча, албатта. Шу боис, Шавкат Мирзиёев мамлакат инвестицион жозибасини кўрсатиш учун барча имкониятларни ишга солмоқда. Эркин иқтисодий зоналарнинг кўпайиши, инвесторлар учун қўлай шарт-шароитларни яратиш, енгиллик ва имтиёзлар бериш пирова- рдиди инновацион иқтисодиёт жаҳон сар- моядорларининг Ўзбекистонга қизиқишини оширмоқда.

Бугун Ўзбекистон улкан бунёдкорлик оғу- шиди. Биргина «Tashkent city» лойиҳасида зуҳр топган маҳобат ва тугаллик гўёки янги Ўзбекистоннинг тимсолидек таассурот қол- диради одамда.

Яқинда бу ҳудудда Марказий Осиёдаги энг баланд бино қурилиши бошланди. «Ос- мон барча учун» шири остида қуриляётган бу мазкур иншоот бизнинг орзу ниятларимиз рўёби монанд кўкка бўй чўзиб туради.

Юртимизда шиддат билан кечаётган ис- лохотлар халқаро молия институтлари ни- гоҳини ўзига қаратаётгани қувонарлидир. Хусу- сан, «Fitch Ratings», «Standart & Poor's» сингари нуфузли агентликлар илк марта халқаро суве- рен кредит рейтингини белгилади. Бу рейтинг баҳолари «барқарор» прогнозага эга бўлиб, 12- 18 ой мобайнида ушбу кўрсаткичнинг пасайиш эҳтимоли камлигини билдиради.

Айтиш жоизки, эришляётган бундай рей- тинг баҳолари кўпгина ривожланаётган дав- латларга нисбатан юқорироқдир. Жаҳон банки экспертлари маърузасига кўра, 2019 йилда Ўз- бекистонда ялпи ички маҳсулот 5,3 фоизга, 2020 йилда 5,5 фоизга, 2021 йилда эса 6 фоизга ўсиши прогноз қилинди.



томонидан илиқ кутиб олинаётганининг ўзига хос сабаблари бор. Негаки, мамлакатимиз ми- нтақа сиёсатини белгилашда ҳал қилувчи кучга эга. Бунини нуфузли сиёсатчилар, давлат ва жа- моат арбоблари кўп таъкидлашган.

Хусусан, **XX асрнинг кўзга кўринган сиёсатшуноси Збигнев Бжезинский сак- сонинчи йиллар охирида халқаро вази- ятга баҳо бериб, «Ўзбекистоннинг мус- тақиллиги ўрта Осиёдаги бошқа дав- латларнинг яшаб кетмоғи учун жуда катта аҳамиятга эга»**, дея таъкидла- ган. Атоқли киргиз адиби Чингиз Айт- матов эса **«...Ўзбекларнинг Марказий Осиё халқларига таъсири Византи- янинг қадим Русга таъсиридан асло**

давлатлари орасида Ўзбекистоннинг ну- фузи ошиб бораётганини ҳам кўрсатади.

ЭЛПАРВАР ҒОЯЛАР МУАЛЛИФИ

Президент Шавкат Мирзиёев дунё сиё- сати кун тартибига ҳам ижобий ғоялар олиб килмоқдаки, уларни жаҳон ҳамжамияти илиқ қабул қилиб, ҳаётга жорий этмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Инсон хавфсизлиги бўйича кўп шерик- лик траст фонди яратилиши ана шундай ташаббуслардан биридир.

Дунёда катталиги бўйича қачонлардир етакчи ўринда турган Орол денгизини со- биқ иттифоқ даврида сув ресурсларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида ҳало- катга юз тутди. Минтақада ўнглаб бўлмас экологик ва ижтимоий муаммолар юзага келиб, одамлар бу ерлардан бош олиб ке- тишга мажбур бўлишди.

Бугун давлат раҳбарининг ташаббуси би- лан бу ердаги экологик ҳолатни юмшатиш, халқнинг дардида дармон бўлиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Оролбўйидаги энг оғир ҳудуд – Мўйноқ тумани қизгин меҳнат ва улкан бу- нёдкорлик майдонига айланди. Мўйноқлик- ларнинг турмуш тарзи эндиликда бутун- лай ўзгармоқда. Худуддаги кўплаб овуллар «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурла- рига киритилди. Туман марказида кўп қаватли уй-жойлар, таълим муассасалари, дам олиш масканлари қурилиши бошланди. Шу кун- гача ишга солинмаган имкониятлар, денгиз қирғоғидаги лойдан оҳақ, кумдан ойна, чифа- ноқлар қолдиқларидан совун ишлаб чиқа- риш режалаштирилмоқда. Дарё суви етган жойларда қизилмия, денгизнинг шўр сувидан артемия олиш, ош тузи, томат пастасини тай- ёрлаш цехлари очиш режалаштирилмоқда. Бу ишлар учун тадбиркорларга банклардан кредитлар берилди. Экотизимни тиклаш мақ- садида Оролқумда саксовулзорлар барпо этилди.

Мўйноқдан келаётган хушхабарларда эзгу-



Президент ғояси — амалда

Ватаним, эркинг-ла яшайвер мағрур!



Президентимиз ҳар бир ҳудудга таърифиди нафақат ўша ҳудуднинг иқтисодий-ишғимой аҳолига қизиқари, балки ўзига хос маданий-маънавий муҳит, таълим ва унинг ривожига ҳам катта эътибор қаратади. Буюк истеъод соҳиблари ижод йўлини ўрганиш, уларнинг анъана ва ўналишларини давом эттириш мақсадида Ижод мактаблари ташкил этилаётгани ана шу эзгу ташаббуслар самарасидир.

Ҳозирги кунда республикамизда 6 та ижод мактаби — Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Қорақалпоғистон Республикасида Ибройим Юсупов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Фарғонада Эркин Воҳидов ва Андижон вилоятида Муҳаммад Юсуф номидаги

иқтисослаштирилган мактаб-интернатлар фаолият юритмоқда. 2019-2020 ўқув йилидан Хива шаҳрида Муҳаммад Ризо Эрнотбек ўғли Осахий, Гулистон шаҳрида Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаблари ўз ўқувчиларини қабул қилади.

Ижод мактабларининг 5-11-синфда 1092 нафар ўқувчи таълим олаётган бўлиб, уларга 150 нафарга яқин олий маълумотли педагог, шу жумладан, 31 нафар ижодкор ўқитувчилар таълим-тарбия беришмоқда. Яқинда Андижон шаҳридаги Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабига Президент сўғаси — янги автобус тақдим этилди. Утган йили Ибройим Юсупов номидаги ижод мактабига ҳам автобус ажратилган эди.

Мазкур таълим даргоҳларида фан ва адабиёт тўғрисида мунтазам ишлаб турибди. Кутубхоналарда минглаб бадиий адабиётлар ўқувчилар ихтиёрида. Шу кунга қадар мазкур мактаблар ўқувчиларининг 50 дан зиёд китоблари, адабий тўпламлари нашр қилинган. Ўқувчиларнинг ижод намуналари газета-журналларда мунтазам чоп этилмоқда. Абдулла Орипов номидаги ижод мактабининг 10-синф ўқувчиси Эъзоза Алишеровна 2019 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлди.

Қуйида сизга ана шу Ижод мактабларида тахсил олаётган ёш қаламкашларнинг ижод намуналарини тақдим этмоқдамиз.



Бухоро вилояти

Бухоро тумани марказидан унча узоқ бўлмаган ҳудуддаги экинзорлар оралаб боряпмиз. Ногоҳ каттагина шафтолизор олдида чиқдик. Бир-бирдан уч метрча оралқда буй чўзган дарахтларнинг барчасига коса шаклида оро берилган. Аскарлардек саф тортиган бу дарахтларни кўриб, кўзингиз қувнайди, дилингиз яйрайди. Иқлими, табиий шароити оғир Бухоро тупроғида шундай нозик, эътибор-талаб ноз-неъматни етиштиришининг ўзи бўладими?!

Замонавий технологиялар самараси

ТОМЧИЛАРДАН БУНЁД БЎЛАЁТГАН ТОННАЛАР

«Дилноз ўғли Абдухалил» фермер хўжалиги қарашли уч гектарли майдондаги бу ажиб манзаранинг сирини оддийгина заррага асосланган мураккаб технологияда. Бу ерда икки-икки ярим йилдан бери Швейцария тараққиёт ва ҳамкорлик агентлиги молиялаштирилган «Ўзбекистонда сўв ресурсларини бошқариш» миллий лойиҳаси доирасида бажарилиди. Мазкур тадбир рўёби учун мутасаддилар томонидан 188 миллион сўм ажратилди.

Бир гектар шафтолизор анъанавий йўсинда суғорилса, ўртача 25-30 метр куб сарф бўлади. Томчилаб суғоришда эса шу миқдорнинг нақ саксон фоизи тежаланиди. Қолаверса, сўв зарраси маълум меъляр ва маҳаллий мутахассислар келиб, бизга қарашли ерларни қўздан кечиринди, — дейди фермер Саид Абдуллаев.

— Шарт-шароитларни обдан ўрганишди. Кўп ўтмай, еримиз шафтоли етиштириш учун Бухоро вилояти миқёсида намунали жой деб топилиб, давлат дастурига киритилди. 2017 йилда эса асосий технологик ишлар бажарилиди. 2300 тупдан зиёд кўчат ўтқазилди. Дарҳақиқат, бу ишлар ўз-ўзича бўлгани, бўлаётгани йўқ. Ерни текислаб, шудгор қилиш-у унинг остки қатлаидан томчилоччи қувурларни маълум чуқурликда ўтказишга, сара навли шафтоли ниҳолларини келтириб қадашга, ўша ҳудуддан оқиётган Куйи Ғайзобод каналини олти километргача тозалаб, ундаги

Фермернинг таъкидлашича, келаси йилдан шафтоли тўла ҳосил беради. Мавсумда ҳар бир дарахтдан ўртача 8-10 килограммдан мева олиш мумкин бўлади. С.Абдуллаев ишлар шу йўсинда муваффақиятли кетгани, бўлаётгани йўқ. Ерни текислаб, шудгор қилиш-у унинг остки қатлаидан томчилоччи қувурларни маълум чуқурликда ўтказишга, сара навли шафтоли ниҳолларини келтириб қадашга, ўша ҳудуддан оқиётган Куйи Ғайзобод каналини олти километргача тозалаб, ундаги

Рустам ИБРАГИМОВ, «ISHONCH»



Хулқарой НУРУЛЛАЕВА, Исҳоқхон Ибрат номидаги ижод мактаби 11-синф ўқувчиси

Шукрона

Юртим, бугун очибсан чирои, Таърифингга тополмайман сўз. Янги уйлар, янги биналар Айни биздек ёшлар учун соз.

Мана, бугун истиқлолнинг, Катта тўйи, тантанасидир. Бу тўйни зўр байрамдек қилиш Она халқим анъанасидир.

Юртим, сенга ҳеч тегмасин кўз, Муқаддасан, азиз, ягона. Жоним фидо — Ўзбекистоним, Тинчлигингга айтай шукрона!



Моҳичехра АБДУРАСУЛОВА, Ҳамид Олимжон ва Зулфия номидаги ижод мактаби 10-синф ўқувчиси

Истиқлол

Мана, етдик озод, обод кунларга, Емонликни ташлаб, яхшиликни ол. Донолар бежизга айтмас бу сўзни, Ватанимнинг камолисан, Истиқлол.

Чемпион бўлмоқда кун сайин ёшлар, Ирода мустақкам, улкан бардошлар. Кимнинг фарзандлигин кўрсата бошлар, Ватаним камолли ўзинг, Истиқлол.

Фаробий, Беруний ақл машғали, Шундай замон келар кўрсиз ҳали. Тараққиёт нури кўрар қарғи, Ватанимнинг камолисан, Истиқлол.

Ўз изин қолдириб ўзгарар замон, Йўқ бўлиб кетажак фарибгар ёмон, Қадамим қўяди қоинот томон, Ватаним камолли ўзинг, Истиқлол.

Чўлпон-у Қодирий орзу қилганди, Адолатсиз тузум дилни тилганди, Бу кунлар келишин, албат, билганди, Ватаним камолли ўзинг, Истиқлол.



Боқирахон МҲИДИНОВА, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби 10-синф ўқувчиси

Ифтихор

Қўшининг тафтидан ўзгача, Қалбимга илқ нур сочилди. Ватаним — меҳрингдан, меҳримдан — Баҳорнинг гуллари очилди.

Тинчлик — деб жон фидо айлаган, Буюклар макони ўзингсан. Хурликнинг шаробин тотмаган, Бобурнинг қалбадаги сўзисан.

Томирда оққан бу — азиз қон, Тўмарис, Широқнинг тимсоли. Кўкларга буй чўзган ўғил-қиз, Мангудир Темурнинг мисоли.

Бу юрак дунёга сиймасдан, Вужудда ҳапқириб уради. Акамга қулча нон тишлатган, Онам ҳам дуода туради.

Қунни — кун, тунни — тун, демасдан, Ўғлонлар кўриқлар кўргонин. Ватанпарварликка ўйрилган, Садоқатга устун ҳар они.

Ўзига бек бўлган халқимнинг, Қалбига жойлашган бу макон. Ўзбекининг Ватанга севгисин — Кўранда лол қолар бу жаҳон!



Бибиямомол РЕЙИМБАЕВА, Ибройим Юсупов номидаги ижод мактаби 10-синф ўқувчиси

Жаннетий макан

Тамаша этемен кунин батишин, Байрамлайман ҳар бир таннин атишин. Жаннетий бир маканда жасап, Қадирлеймен ҳасил топирағин.

Мин шуқир этеменг уси заманга, Кете алмаспан ҳаргиз ўзге маканга. Ғарезсиз абадан азиз Ватаним, Менин ада болмас баҳорим.

Меҳрин бериди маған Ватаним, Сийналап басимнан дейди аппағим. Қапа болсам сипиради кўз жасим, Себеби бул менин — ана Ватаним.

Береди бизлерге мўл билимлерин, Жаратади бизге барлик имканият. Мен бир перзентимен уси Ватаним, Ҳеш жерде тени жоқ Ўзбекистаним!



Шоқсанам ОМОНОВА, Эркин Воҳидов номидаги ижод мактаби 10-синф ўқувчиси

Ўзбекистон

Бугун катта йўлда турибсан, халқим, Навоий қуйлаган жаннатмакконсан. Қонимизда оқар Бобур шеърлари, Осмон чароғон Ўзбекистонсан.

Аждодларим қўлда кўтарган миллат, Халқим деб яшаган буюк инсонсан. Олға мақсадларга интилган юрак, Тунлари нурафшон Ўзбекистонсан.

Имом Бухорийлар қалбин тўрида, Дунёни уйғотган софдил иймонсан. Ифори таралган ҳаёт чечоғи, Тинчликка соябон Ўзбекистонсан.

Бугун бўйлашамиз жаҳонлар билан, «Ёшлар иттифоқи» — дилда имконсан. Авлодлар қалбида порлар ифтихор, Онажон Ватаним — Ўзбекистонсан.

Хирмонимиз тўлди ғалла-донларга, Қувончдан бахт топган бободоҳқонсан. Дадил қадам ташлар бугун эл-элпат, Умумий уйимиз — Ўзбекистонсан.

Умумий уйимиз — Ўзбекистонсан!



Севинч ОМОНОВА, Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби 9-синф ўқувчиси

Она юртим

Бағрингда меҳрдан жилмаяр қўёш, Ҳазрат Навоийнинг соғинч сўзи бор. Ватан! Кўксинг узра қўйгим келар бош, Сенда Соҳибқирон ўчмас изи бор.

Бизга жаннат эрур шу муқаддас ер, Тўмарис, Широқлар оёғин ўлган. Меҳнаткаш манлайдан оққанда тер, Ватан! Сен уларга дастурмоил тутган.

Бугун севинчимиз эмас асло сир, Кўзингдан қувончдан ёшларни артгум. Дилларни уйнатар теэранг узра гир, Ватан — бу лабиндан томган табассум.

Мана, юксакликдан ясалган тахтда, Бошингда ярашган тож бирла ўтир. Бугун истиқболга элган бу бахтда, Ватаним, эркинг-ла яшайвер мағрур!

«FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидеда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога «Farg'onaazot» АЖга тегишли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. «Nexia» русумли, 2002 йилда и/ч, д/р: 40 873 UAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 17 157 000 сўм;
2. «Nexia DONS» русумли, 2004 йилда и/ч, д/р: 40 159 WAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 254 000 сўм;
3. «Matiz BEST» русумли, 2005 йилда и/ч, д/р: 40824 EAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 11 610 000 сўм;
4. «Nexia DONS» русумли, 2003 йилда и/ч, д/р: 40 828 EAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 16 856 000 сўм;
5. «Лада-21074-110-30» русумли, 2008 йилда

и/ч, д/р: 40 821 EAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 514 000 сўм;
6. «Лада-21074-110-30» русумли, 2008 йилда и/ч, д/р: 40 733 EAA бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 12 900 000 сўм.
Аукцион савдолари 2019 йилнинг 28 август кунини соат 10:00 да бўлиб ўтади.
Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари

соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишининг охири муддати: 2019 йил 26 август кунини соат 16:00гача. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш кунини ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар диққатига! Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2019 йилнинг 28 август кунини савдода сотилма-

ган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2019 йилнинг 17 сентябрь кунини такроран бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Такрорий аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхта-тилади. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закат пулини закат келишув шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖнинг ҳисобрақамига (ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиали, х/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753) тўлашлари лозим. Муурожаат учун манзил: Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй. Тел: +99895-402-54-75

Тошкент шаҳар Учтепа туманида жойлашган 109-сонли умумтаълим мактабига тегишли думалоқ гербли муҳр йўқолганлиги сабабли Бекор қилинади.

Низомий номидаги ТДПУ ректорати ва қасаба уюшмаси жамоаси университетнинг де-вонхона мудириси Гулчехра Насриддиновага отаси **Салоҳиддин НАСРИДДИНОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Рустам ИБРАГИМОВ, «ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston uyushmalari Federatsiyasi

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Қасаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хўқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «protoka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-90-34
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-90-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С. Абдураҳмонов

Мусоҳиҳ:
С. Шодиева

Саҳифаловчи:
Х. Абдуҷалилов

ЎА якуни — **02-10**
Топширилди — **02-30**

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Бюроми Ғ — 717. 28020 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5